

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
«САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ» факультети
«Менежмент» кафедраси

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ»
«Менежмент» кафедраси мудири
и.ф.д. Бурханов А.У.
«_____» _____ 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ТАРМОҚЛАРИГА ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ

мавзусида ёзилган
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: 1-10 МН (ў) гуруҳ талабаси
Махмудов Б.Н.
РАҲБАР: и.ф.н., проф. Бакиев А.Р.

Битирув малакавий ишининг дастлабки ҳимоядан ўтганлиги 2014 йил «_____»
июндаги _____ -сонли баённома билан расмийлаштирилган

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3-
бет	
I-БОБ. Ўзбекистон саноат тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари	5-бет
1.1.Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти	5-бет
1.2. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати	9-бет
1.3.Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари..	13-бет
II-БОБ. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг ҳолати таҳлили	18-бет
2.1. Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда инвестицияларнинг ўрни	18-бет
2.2. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари	24-бет
2.3. Инвестиция муҳитини аниқлашда жаҳон тажрибаси	34-бет
III-БОБ. Ўзбекистон саноат тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни самарали бошқариш механизмлари	42-бет
3.1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш механизмлари	42-бет
3.2. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этишда Навоий эркин иқтисодий зонасининг табиий-иқтисодий омиллари	49-бет
3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хорижий инвестицияларни жалб этиш	55-бет
ХУЛОСА	61-бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	64-бет

КИРИШ

Мамлакатимизнинг иқтисодий тизимини таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, замонавий техника-технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш ҳамда рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришда хорижий инвестицияларни роли беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 30 апрелда «Чет эл инвестициялари» тўғрисида Қонун қабул қилинган ва ушбу қонуннинг 3-моддасида чет эл инвестициясига қуйидагича таъриф берилган: «Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади».¹ Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, чет эл инвестициялари – чет мамлакатларининг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий (нау-хау) кўринишидаги муддатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади деб таъриф беришимиз мумкин. Бунда қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш каби фаолиятлар амалга оширилади.

Ўзбекистон саноат корхоналаридан жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик янгилаш, инвестиция жозибадорлигини ошириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш тақозо қилинади. Мамлакатимизда амалга

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон. -Т.: Адолат, 1998. 532-бет.

оширилаётган иқтисодийни модернизациялаш, инвестициялардан янада самарали фойдаланиш бўйича 2015 йилга қадар қабул қилинган давлат дастурлари бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилиши, корхоналарга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини ривожлантириш, бунинг учун инвестициялар жалб этиш доирасини кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мамлакат иқтисодийтини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодийтининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини деярли ҳар бир мутахассис яхши англайди. Шунга кўра, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодийтига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодийда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодийтига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва

технологияни, экспортбop товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

I- БОБ. Ўзбекистон саноат тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари

1. 1. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шarti ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

2013 йилда иқтисодиётимизда амалга оширилган кенг кўламли тизимли ислохотлар, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида татбиқ этилган инновацион усуллар, давр талаблари нуктаи назаридан қабул қилинган қонунлар, чиқарилган фармонлар, қарорлар барча соҳаларда Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг муҳим омилларидан бири – иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишдан иборат. Бу борада мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш;
- хорижий инвесторларга нисбатан «очиқ, эшиклар» сиёсатини изчиллик билан олиб бориш;
- хорижий инвестицияларни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариладиган устувор тармоқларга йўналтириш.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш ўтиш даврининг стратегик ва жорий вазифаларини ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифалар ичида энг муҳимлари – иқтисодиётда

таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизациялаш, юқори технологик рақобатбардош тармоқларни яратиш, илғор хориж технологияси ноу-хау ва бошқарув тажрибаларини жалб этишдир.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

1) мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади. Юқоридаги сабабларга кўра, инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити ва ишонч керак;

2) валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификациялашуви, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради;

3) бугунги кунгача жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга (олтин, мис, пахта) қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий имкониятларини кенгайтирди ва ўзларининг инвестицион дастурларини молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига, кенгайишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ, тармоқлар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди ва мультипликатор самарасини ҳаракатга келтирди;

4) давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўътадиллашуви.

Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларда давлат кафолатининг камайиб боришини хорижий инвесторларда республикаимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат томонидан иқтисодий манфаатли бўлмаган лойиҳаларни

молиялаш тўхтатила бошланди. Ҳукумат томонидан фақат иқтисодий манфаат чегараланган ёки умуман бўлмаган ижтимоий муҳим лойиҳалар қафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт ва алоқа инфраструктураси соҳаларидаги лойиҳалардан иборат.

Хорижий инвестицияларнинг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар ҳамда преференциялар тақдим қилиш асосий омиллар бўлди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар жадаллашди. Бунда, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишга кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш қабиларга қаратилди. Хусусан, дунёнинг қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, қўшма инвестицион лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилаётган ёки кўзда тутилаётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичларида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий

инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолган ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга қаратилган Ҳукуматнинг сазой-ҳаракатларига қарамасдан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши тармоқ эҳтиёжига нисбатан пастроқ даражада сақланиб турибди.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёридаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;
- қўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

1.2. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан

бири бўлмоқда. Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади.

Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутати. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгилайдиган кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олти та элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини ўрта гуруҳга бўлиш мумкин (1-жадвал).

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот-коммуникация тармоқларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

1-жадвал

Худудларнинг инвестицион жозибadorлигини аниқлаш элементлари

№	Худудлар	Худуднинг умумий иқтисодий ривожла ниш даражаси	Худуд нинг молиявий ресурслар билан таъминиши	Инвести- цион инфра- тузилма ривож- ланиш дара- жаси	Худуд- нинг демог- рафик тавсифи	Институ- ционал ўзгариш- лар ва ривожла- ниш даражаси	Худуд- нинг инвести- цион фаолият хавфсиз лиги даражаси	Мутлак интег- рал кўрсат- кич
1	Қорақал- поғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

Учинчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган худудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Юқорида қайд этилган худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмалар қисқа

муддатларда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга киришган. Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Мамлакатимизда 2013 йил учун амалга оширилган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг сезиларли қисми корхона маблағлари (30 фоиз) ҳамда 276 тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (17 фоиз) орқали амалга оширилди.

Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2013 йилда жами инвестиция маблағларининг 29 фоизи тўғри келди. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техник-технологик қувватларини модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, шу асосда ҳалқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятдан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қуйидаги чизмада акс эттирилган.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.



1-расм. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

1.3. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва

телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти янада яққол аён бўлади².

2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охирги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Тошкент, «Ўзбекистон», 2013. – Б. 15.

Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юқини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган

Талемаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини куриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўнилишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало Сургилъ кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини куриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс куриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган «МАН» автомобиллари, «Мерседес Бенц» шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, «Клаас» компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори

препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жал этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрали участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган ПҚ-1446-сонли қарори доирасида 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация, инфратузилмани ривожлантириш учун жами 6935,5 миллион доллар миқдорида инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган. Жумладан, молиялаштириш манбаига кўра:

- хорижий инвестиция ва кредитлар – 3235,9 миллион АҚШ доллари;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 461,1 миллион АҚШ доллари;
- Давлат бюджети ва мақсадли давлат фондлари – 1934,5 миллион АҚШ доллари;
- ўз маблағлари – 1304 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади.

Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга жалб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли қарорида мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш;
- молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобидан иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация этиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

II-БОБ. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг ҳолати таҳлили

2.1. Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда инвестицияларнинг ўрни

Мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Давлатимиз раҳбари 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузасида қисқа муддат давомида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминлангани, хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,8 фоизга ошгани эътироф этилди. Бундай кенг кўламли барқарор ўсишнинг таъминланишида иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми, унинг таркиби, манбаи асосий ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг

янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.»³. Дарҳақиқат ишлаб чиқаришни техник-технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти ва жозибадорлигини ошириш орқали таъминланади.

Статистик рақамларга эътибор қиладиган бўлсак 2013 йилда жалб қилинган инвестициялар ЯИМга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди. Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгариш ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техника ва технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтириш орқали пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

³Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. –Б.12-13.

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш, ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш имкониятларини оширади;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва улар техник жихатдан қайта қуrollланади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилади⁴.

Маълумки, иқтисодий барқарорлик – хорижий инвесторлар учун ҳам, мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки қайси давлатда сармоядорларга қулай муҳит яратилса, ўша жойга интилиш кучаяди. Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига киради.

Мамлакатимизда инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, энг муҳими, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик бўйича изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб бораётгани бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритиш орқали қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилмоқда:

- ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш миқдор ва сифат жихатдан ўсмоқда;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келмоқда;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортиши ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда;

⁴ Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. 2012.

- жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсмоқда⁵.

Биргина 2012 йилда иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари томонидан жами 18463 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бунда хорижий компания ва корхоналарнинг ҳиссаси 36,4 фоизни ташкил қилган. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни экспорт қилиш натижасида 2661,9 миллион АҚШ доллари ҳажмида валюта тушумига эришилган бўлса, хорижий компаниялар билан ҳамкорликда барпо этилган корхоналарнинг ҳиссаси бу борада 18,8 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари импорти эса 5045,9 миллион долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичда хорижий компаниялар сармояси иштирокида тузилган қўшимча корхоналарнинг улуши 42 фоизни ташкил қилган.

2-жадвал

Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, миллиард сўм

Иссиқлик энергияси	3768,4
Металлургия	649,8
Кимё ва нефть-кимё	499,9
Автомобильсозлик	953,8
Енгил саноат	618,8
Озиқ-овқат саноати	398
Қурилиш материаллари	415,8
Қишлоқ хўжалиги	905,8
Транспорт ва алоқа	4026,9
Бошқалар	2453,6

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

⁵ Каландаров Р. «Биржа эксперт» журнали. 2012.

2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 22067 миллиард сўмни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 миллиард сўми бевосита ишлаб чиқариш мақсадлари учун йўналтирилган бўлса, 7376,2 миллиард сўми ишлаб чиқаришга дахлдор бўлган соҳаларга жойлаштирилган.

Соҳалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак диверсификация қилиш натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истикболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали ички ва ташқи инвестиция маблағлари жалб этилмоқда. Айниқса, инвестиция кредитларини тармоқлар бўйича диверсификация қилиш мамлакатимиз иқтисодиётини бир текисда ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Хусусан, 2011-2015 йилларда банкларнинг кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган жами 1084,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, геология, иссиқлик энергияси мажмуаси, кимё, нефтни қайта ишлаш ва металлургия саноатидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 37,3 фоиз (405,2 миллион АҚШ доллари), машинасозлик электротехника ва авация саноати мажмуасини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 18,1 фоиз (195,7 миллион АҚШ доллари), қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга 6,4 фоиз (69,8 миллион АҚШ доллари), коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустриясини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 9,3 фоиз (101,2 миллион АҚШ доллари), таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 4,7 фоиз (51 миллион АҚШ доллари), макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва ҳудудларни

комплекс ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 24,1 фоиз (261,1 миллион АҚШ доллари) инвестиция маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг катта қисми иссиқлик энергияси, кимё ва нефть-кимё соҳаларига тўғри келмоқда.

Юртимизда 2009 йилдан бошлаб қишлоқ ҳудудларида аҳоли учун намунали уй-жой қурилишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани муносабати билан ҳар йили уй-жой қурилиши учун инвестициялар ҳажми давлат маблағлари, тижорат банклари кредитлари, аҳоли маблағлари ҳисобидан ўсиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда уй-жой қурилиши учун қарийб 650 миллин доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкнинг кредит маблағларидир.

Бу ўринда назарий-амалий таҳлилларга навбат берадиган бўлсак мамлакатимизда капитал омили асосидаги хорижий ва миллий инвестициялар солиштирилганида, хорижий секторда капитал интенсивлиги ўта юқори экани намоён бўлмоқда. Яъни, хорижий сектор капиталталаб ишлаб чиқаришни акс эттираётган бўлса, миллий сектор меҳнатталаб ишлаб чиқаришни акс эттирмоқда. Тадқиқотларга кўра, хорижий секторда ўртача капитал интенсивлигининг нисбий даражаси 20,73 бирликка тенг. Миллий секторда эса, ушубу кўрсаткич 0,79 бирликка тенг бўлган. Хорижий секторнинг нисбий капитал интенсивлиги даражаси миллий сектордаги ҳолатдан 26,2 марта ортиқ. Бу ҳол мамлакат иқтисодиётидаги хорижий ва миллий инвестицияларнинг таъсири тадқиқ этилганида хорижий сектор нисбатан самарали эканини ифодалайди. Демак, миллий секторда ҳам капитал интенсивлиги даражасини ошириш лозим⁶.

⁶ Мадрахимов У. Иқтисодий ўсишга омиллар самарадорлигининг таъсири // Бозор, пул ва кредит. 2012, № 7. –Б.

2.2. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари

Республикада инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотлар стратегиясининг муҳим шартидир. Давлатимиз бир канча ривожланган мамлакатлар билан қўшма корхоналар барпо этмоқда. Ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва товарлар ички бозорни таъминламоқда ҳамда экспорт қилинмоқда.

Бизга маълумки, инвестициялар бюджет ёки бюджетдан ташқари манбалар томонидан молиялаштирилиши мумкин. Бюджет томонидан инвестицияларни молиялаштирилишига умумдават ва маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларни молиялаштиришга киради. Бюджетдан ташқари манбаларга эса, ўз молиявий маблағлари, қарзга олган маблағлари, жалб қилинган молиявий маблағлар, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ва чет эл инвестициялари киради.

Ҳозирги кунда ўз маблағлари билан лойиҳаларни молиялаштириш жаҳон амалиётида кенг тарқалган. Ўз маблағларига корхонанинг фойдаси, амортизация ажратмалари, ички хўжалик резервлари ва бошқалар киради.

Корхона ўз лойиҳаларини ўзи молиялаштиради дегани – бу корхона ривожланган, молиявий маблағ етарли корхона деганидир. Хуллас, икки гуруҳдан марказлашган, яъни бюджетдан ташқари манбаларнинг ҳиссаси ҳозирги кунда ортганли эътироф қилинмоқда.

Бюджет томонидан молиялаштириш бир қатор томоийилларга асосланади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Минимал харажатлар билан максимал иқтисодий ва ижтимоий самара олиш.
2. Бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш.
3. Бюджет маблағларини кўрилиши ва пудратчи ташкилотларга белгиланган режанинг бажарилиши бўйича берилиши.

Инвестицион ресурслар таркиби⁷

Гуруҳлар	Тип	Гуруҳларда манбаларнинг ташкилий таркиби
Давлат маблағлари	Ўз маблағлари	Давлат бюджети. қуйи бюджетлар (маҳаллий). Бюджетдан ташқари фондлар (Пенсия фонди, бандлик фонди ва бошқалар)
	Жалб қилинган маблағлар	Давлат кредит тизими Давлат суғурта тизими
	Қарз маблағлари	Давлат қарзи (давлат ташқи ва ички қарзи, халқаро кредит ва бошқалар.)
Корхона маблағлари	Ўз маблағлари	Корхонанинг ўз инвестицион маблағлари
	Жалб қилинган маблағлар	Бадаллар, акцияни сотиш, қўшимча акцияларни эмиссия қилиш
		Резидент инвестицион компаниянинг инвестицион ресурслари, Шунингдек пай инвестицион ресурслари
		Резидент-суғурта компаниялари инвестицион ресурслари
		Резидент-нодавлат пенсия фонди инвестицион ресурслари
	Қарз маблағлари	Банк тижорат кредитлари, бюджет ва мақсадли кредитлар
		Хорижий инвесторларнинг инвестицион маблағлари, тижорат банклари, халқаро молия кредит институтлари, корхона, институционал инвесторларнинг кредитлари

Биринчи тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, бюджет маблағлари мазкур лойиҳанинг самарадорлигини таъминлаш зарур бўлганда берилади. Инвестицион сиёсатга кўра капитал кўрилишга маблағларни ажратиш маълум шартлар асосида амалга оширилади. Бу кўзда тутилган мақсадга эришиш учун қилинади.

Иккинчи тамойилнинг характери шундан иборатки, объектларнинг молиялаштирилишининг амалга оширилиши жорий йилнинг давлат

⁷ Карлибаева Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2009.

бюджетида тасдиқлангандан сўнг бўлади ва шу билан бирга ресурслардан фойдаланилишини назорат қилишни йўлга солади.

Учинчи тамайил бюджет ресурсларини белгиланган режанинг бажарилиши учун молиялаштириладиган маблағлар пудратчи ташкилотларга ва қурилиш ташкилотларига берилади. Ушбу маблағларни тақсимловчи сифатида буюртмачи, яъни инвесторлар ҳисобланиши мумкин.

Инвестицияларнинг бюджет томонидан молиялаштирилиши қайтарилмайдиган ва қайтариладиган бўлиши мумкин.

Қайтарилмайдиган молиялаштириш кўпинча ишлаб чиқариш фаолиятини янги йўналишларини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Бундан ташқари давлат бюджетидан конверсия, мудофаа, экология ва бошқа объектларга қайтарилмайдиган маблағлар берилади.

Қайтариладиган молиялаштиришга мўлжалланган маблағлар амалга ошириладиган лойиҳанинг тижорат самарасига боғлиқ бўлади. Молиялаштириш йўналишларини очиш учун Марказий банк томонидан Молия вазирлигига давлат бюджети маблағлари кредит шаклида берилади. Олинган маблағларни молия вазирлиги тижорат банклари орқали буюртмачилар ўртасида тақсимлайди. Қарз мажбуриятлари тўғрисидаги шартнома буюртмачи молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тузилади. Қайтариладиган молиялаштиришда буюртмачи гаровга нарса қўйиши талаб қилинади. Қайтариш шarti билан олинган бюджет маблағи 3 томонлама шартномада кўрсатилган муддатда Молия вазирлигига қайтарилади. Молия вазирлиги эса бу кредитни Марказий банкка келишилган муддатда қайтариб беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуд:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.

3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.

4. Хорижий инвестициялар.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари⁸

	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2013 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	27 123 275
1.	Марказлашган инвестициялар:	6 691366
1.1.	Бюджет маблағлари	1 300 000
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	131000
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан: - Мамлакатимиз йўл жамғармаси; - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси; - Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси; - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	1 876 750 921572 218243 623 500* 113 435*
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 632 833
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 750783 250560**
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	20 431910
2.1.	Корхона маблағлари	8 150655
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	3 236108 426300
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 563159
2.4.	Аҳоли маблағлари	4 481988

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида»ги 1855-сонли қарори.

2013 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак жами капитал қўйилмалар 27 123275 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 15 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,7 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,3 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бу йилги инвестицион дастурда 272 молиялаштиришнинг яна бир манбаси ҳисобланган Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 113435 миллион сўм маблағ иқтисодиётимизга йўналтирилиши кўзда тутилган⁹.

Ўз маблағлари манбаси инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончлиси ҳисобланади. Ҳар бир тижорат корхонаси ўзини-ўзи молиялаштиришга доимо интилади. Чунки, бунда молиялаштириш манбасини қидириш, банкротга учраш каби ортиқча ташвишлар камаяди. Бундан ташқари, ўзини-ўзи молиялаштириш корхонанинг молиявий аҳволини яхшилигидан далолат беради. Ҳар бир корхонанинг асосий ўз маблағлари манбаси бўлиб бу соф фойда ва амортизация ажратмалари ҳисобланади.

Амортизация ажратмалари – бу асосий воситаларнинг белгиланган муддатда ўз қийматини ишлаб чиқаришга ўтказиб боришидир.

Асосий воситаларга бино, иншоотлар, технология, асбоб-ускуналар, компьютерлар, автомобиллар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари ва бошқалар киради.

Ҳар бир корхона бу асосий воситаларга даромаддан амортизация ажратмалари ажратиб боради. Амортизация ажратмалари инвестицияларни

⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501-сонли фармойишига биноан ишлаб чиқилган «2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассис тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури»га мувофиқ ташкил этилган жамғарма ҳусусида гап бормоқда.

молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг инвестицияларга бўлган эҳтиёжини 70-80 % ни амортизация ажратмалари қондиради.

Амортизация ажратмаларнинг афзал томони шундаки, корхонанинг қандай молиявий аҳволида эканлигидан қатъий назар бу манба доимо ва у корхона ихтиёрида бўлади.

Инвестицион лойиҳаларни кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириш қарзга олинган манбалар ва уларни асосийси банк кредити ҳисобланади. Кредит банк томонидан қайтариб бериш шарти ва фоиз ставкаси билан берилади.

Инвестор учун, албатта, фоиз ставкаси, талаб-таклиф, инфляция даражаси, депозитларга фоиз ставкаси ва бошқалар таъсир кўрсатади. Банк кредити узок муддатли (1йилдан 5 йилгача) ва қисқа (1 йилгача) муддатли бўлиши мумкин.

Узок муддатли кредит асосан инвестицион кредит деб юритилади. Чунки, у корхонанинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ўз маблағларининг етишмаслигидан ўртага чиқади. Корхона бемалол ишлаб чиқаришни ривожлантириб, бир неча йилдан сўнг кредитни қайтариш мумкин. Лекин, молиялаштиришнинг бу тури бизда кенг тарқалмаган. Чунки, бизда инфляция даражаси анча юқори ва фоиз ставкаси ҳам баланд. Бундан ташқари, узок муддатли кредитни ривожланмаслигининг асосий сабаби – хатарнинг катталиги ва суғурталашнинг етарли ривожланмаганлигидир. Узок муддатли кредитни олиш учун қохона банкка бухгалтерия баланси, бизнес-режа, фойда ва зарарлар ҳақида ҳисобот топширилиши лозим.

Бизнинг мамлакатимизда асосан қисқа муддатли микрокредитлар ривожланган. Бу кредитлар ишлаб чиқаришни замонавийлаштирмасда, корхоналарнинг фойда олишига сезиларли таъсир кўрсатади. Микрокредитлар асосан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қўлланилади.

Банк кредитидан ташқари тижорат кредити, қишлоқ хўжалиги кредити, бошқа корхоналардан олинадиган кредитлар ҳам мавжуд. Булар ҳам инвестицион лойиҳани молиялаштиришда муҳим ўрин тутди.

Кредит бозор муносабатига ўтишда жуда муҳим ўрин эгаллайди. Ссуда маблағлари, яъни пул маблағларини ўзида акс эттириб уни ҳаракат қилдиради.

Кредит оловчи ва берувчи орасида муносабатлар келиб чиқади ва ушбу муносабат кредит орқали ривожлантирилади. Кредит ёрдамида бўш турган пул маблағлари, яъни жисмоний шахслар қўлидаги пул маблағлари ссуда маблағларига айланиб, вақтинчалик фойдаланишга берилади.

Кредит тўрт хил вазифаларни бажаради:

- пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексел, чек сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик айланишига жалб қилади;
- қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди;
- қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради;
- нақд пулларни муомалага чиқариш. Бу турдош пуллар банк томонидан чиқарилиб, банкноталар деб аталади. Бундан ташқари, банклар векселлар, депозитлар ва чеклар каби кредит пулларни чиқарди.

Юқорида айтиб ўтилганлар пуллар абстракт кредитлар ҳақидадир. Ҳозирги пайтда қуйидаги кредит турлари мавжуд: банк кредити, истеъмолчи кредити, тижорат кредити, давлат кредити ва халқаро кредит.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда.

Инвестицион жозибаторлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибаторлигини акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади¹⁰.

5-жадвал

2005-2013 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши¹¹ (фоизда)

Йиллар	Молиялаштириш манбалари			
	Давлат бюджети	Чет эл инвестициялари	Корхоналар ва аҳоли маблағлари	Бошқа манбалар
2005 й.	12,7	19,2	60,3	7,8
2006 й.	10,7	19,0	60,0	10,3
2007 й.	9,0	22,8	59,0	9,2
2008 й.	9,0	25,8	53,9	11,3
2009 й.	8,1	32,4	46,9	12,6
2010 й.	7,4	28,8	47,3	16,5
2011 й.	5,1	25,3	49,0	20,6
2012й	4,5	25,5	42,6	27,4
2013 й.	4,8	23,2	46,6	25,4

¹⁰ Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибаторликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари // Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122-б.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги – «Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.:О'qituvchi, 2013.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитларнинг салмоғи кескин ўзгарди.


Айни пайтда инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга пасайди. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга кўтарилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банklar иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, 2013 йилда 3236108 миллион сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу рақам умумий марказлашмаган инвестицияларнинг 15,9 фоизини ташкил этмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – хорижий давлат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра, акцияларнинг камида 10 фоизига эгалик қилиш.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акциядорлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади



2-расм. Бир қатор мамлакатларда акциядорлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш ҳуқуқини берадиган ҳиссаси¹²

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, корхона бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли экани ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

2.3. Инвестиция муҳитини аниқлашда жаҳон тажрибаси

Хориждан капитал қабул қилувчи томонидан инвестиция муҳити моделини ишлаб чиқиш ҳар томонлама асосланган ташқи иқтисодий алоқаларни аниқлаб берувчи воситадир. У орқали хорижий инвесторга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиш, хорижлик инвесторларнинг хулқ-атворини ҳар томонлама англаш ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни чуқурроқ баҳолаш имконияти пайдо

¹²Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги – «Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: О'қитuvchi, 2013.

бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси республикамизнинг бошқа давлатлар билан дастлабки иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш жараёнида четдан капитални жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берадиган ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб миллий конунчилик иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга¹³.

Инвестиция муҳити объект категорияси бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради. Лекин, ҳозирги шароитда инвестиция муҳити фақат давлат органлари таъсири остида шаклланмоқда. Албатта, бу ишларни амалга оширишда жаҳон тажрибасидан, жумладан, хорижий инвестиция билан ташкил этилиб, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришган компания ва фирмалар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу жараёни амалга оширишда миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Давлат ҳоқимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аниқловчи омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгаллигини таъкидлаш мумкин. Бу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил равишда ташкил этилади. Чунки, у инвестиция муҳитини ўзгартиришга қодирдир. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томонининг хорижий

¹³ Вахабов А.В. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2010.

капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён этади, инвестиция муҳити кириб келган капитални мамлакат ичида оптимал равишда ўсиб бориш вазиятига баҳо беради¹⁴.

Жаҳон амалиётида мамлакатнинг инвестиция муҳитини баҳолаш борасида турли ёндашувлар мавжуд. Ушбу ёндашувлар бир-биридан инвестиция муҳитини ташкил этувчи омилларни тулиқ ёки қисман қамраб олиши билан фарқ қилади. Таҳлиллар кўрсатишича, «Стандарт ва Поорс» («Standard & Poors»), «Мудис» (Moody's) ва «Фитч АБКА» (Fitch IBCA) жаҳондаги энг йирик рейтинг агентликларидан ҳисобланади. Ушбу агентликлар эмитентнинг қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлаёюнли бажара олиш имкониятлари ва эмитентларнинг кредит бера олиш қобилиятига баҳо берадилар. Агентликлар томонидан ишлаб чиқилган ва тузилган рейтинглар мамлакат инвестиция муҳитини маълум даражада баҳолаш имконини беради.

Инвестициялаш борасидаги қўшма лойиҳалар ва қўшма корхоналарни ташкил этишдаги рискларни ҳисобга олишда кўпчилик хорижий инвесторлар Бери индексдан фойдаланадилар. Ушбу индекс мамлакатдаги инвестиция муҳитини турлича салмоққа эга бўлган 15 та баҳолаш мезонлари асосида ҳисоблаб чиқади. Ҳар бир мезонга 0 дан (тўғри келмайди) 4 гача (ўта қулай) баҳо берилади. Тўпланган юқори балл «барқарор мамлакат»ни англатади. Мамлакат тўплаган балл қанчалик юқори бўлса, инвестициялашдан олиниши мўлжалланган фойда ҳам шунча юқори бўлиши зарур, акс ҳолда инвестициялаш асоссиз ҳисобланади. Бери индексининг умумий кўриниши қуйидагича:

¹⁴ Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2007. -232 б.

БЕРИ индекси

№	Мезонлар	Салмоғи %
1.	Сиёсий барқарорлик: кутилмаган ҳукумат тўнтаришлари имкониятлари ва уларнинг тадбиркорлик фаоллигига таъсирини баҳолайди	12
2.	Хорижий инвестициялар ва фойдага муносабат: хусусий тадбиркорларга тегишли ижтимоий эҳтиёжларга бўлган харажатлар ҳажми	6
3.	Миллийлаштириш: беғараз экспроприация имкониятларидан маҳаллий ҳомиятларга имтиёзлар беришгача	6
4.	Девальвация: девальвация таъсири, ҳамда корхона фаолиятига девальвациянинг таъсирини юмшатовчи чораларнинг ҳаётийлиги	6
5.	Тўлов баланси: ҳисоблар баланси ва умумий балансга, ҳамда хорижий инвесторларнинг даромадларига таъсир этувчи омиллар	6
6.	Расмийлаштириш масалалари: давлатнинг иқтисодийётга аралашуви даражаси, божхона расмийлаштиришларини амалга оширилиши, валюта ўтказишлари ва бошқа шундай операциялар	4
7.	Иқтисодий ўсиш суръатлари: йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши 3%, 3-6%, 6-10% ва 10%дан юқори чегараларда	10
8.	Валютанинг конвертирлангани: миллий валютанинг хорижий валютага алмаштириш имконияти, ҳамда миллий валютанинг (корхоналарга зарур бўлган даражада) валюталар бозоридаги ўрни	10
9.	Шарномани амалга ошириш имконияти: шартномага амал қилиш имконияти, ҳамда тил ва урф-одатлардаги фарқ натижасида қийинчиликларнинг юзага келиши	6
10.	Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигига харажатлар: иш ҳақи даражаси, меҳнат унумдорлиги, ишга қабул қилиш тартиби	8

11.	Экспертлар ва маркетинг хизматларидан фойдаланиш имконияти: корхоналарга юридик, бухгалтерия, маркетинг бўйича маслаҳатлар бериш, технология ва қурилиш ишларини амалга ошириш соҳаларида маслаҳатлар кўтиш имконияти	2
12.	Алоқа ва транспортни ташкил этиш: фаолият кўрсатаётган корхоналар ва уларнинг филиаллари орасидаги транспорт йўллари ва алоқа тизимини (мамлакат ичидагини ҳам) ташкил этиш ва фойдаланиш имконияти. Транспорт инфратузилмасини баҳолаш	4
13.	Маҳаллий бошқарув ва ҳамкор: бошқарувнинг турли масалаларини ечишда ўз капитали билан қатнашиш ва ҳамкорликда фаолият юритиши мумкин бўлган маҳаллий ҳамкорларнинг сони ва имкониятлари	4
14.	Қисқа муддатли кредит: хорижий ҳамкорларга қисқа муддатли кредитлар бериш ва улардан фойдаланиш имконияти	8
15.	Узоқ муддатли кредит ва шахсий капитал: ҳамкорлар томонидан низом капиталига ўз улушларини қўшиш шартлари ва миллий валютада узоқ муддатли кредит бериш шартлари	8

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига нисбатан Бери индекси асосида инвестиция муҳити имитацион баҳоланган бўлиб, у қуйидаги 7.-жадвал қайд этилган:

7-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси инвестиция муҳитининг
имитацион баҳоланиши**

№	БЕРИ индекси мезонлари	Баҳоси	Салмоғи, %	Индекс
1	Сиёсий барқарорлик	4	12	0,48
2.	Хорижий инвестициялар ва фойдага муносабат	3	6	0,18
3.	Миллийлаштириш	2	6	0,12
4.	Девальвация	0	6	0

5.	Тўлов баланси	1	6	0,006
6.	Расмиятчилик масалалари	1	4	0,04
7.	Иқтисодий ўсиш суръатлари	1	10	0,01
8.	Валютани конвертирланганлиги	1	10	0,01
9.	Шарномани амалга ошириш имконияти	3	6	0,18
10.	Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигига харажатлар	2	8	0,16
11.	Экспертлар ва маркетинг хизматларидан фойдаланиш имконияти	1	2	0,02
12.	Алоқа ва транспортни ташкил этиш	1	4	0,04
13.	Маҳаллий бошқарув ва ҳамкор	3	4	0,12
14.	Қисқа муддатли кредит	1	8	0,08
15.	Узоқ муддатли кредит ва шахсий капитал	2	8	0,16
16.	ЖАМИ		100	1,61

Мамлакат инвестиция муҳитини баҳолашда яна халқаро кредит рейтингларидан ҳам фойдаланилади. 3-жадвалда. Улар жаҳондаги ўн бир обрўли агентлик томонидан ишлаб чиқилади. Улардан бештаси – америка, учтаси – япон, иккитаси – канада ва биттаси англия агентликларидир. Бунда бозорнинг 90% икки йирик ва машҳур америка компанияларига тегишлидир – Standart and Poors Investor Service ва Moodys Investor Service. (8-жадвал)

8-жадвал

Халқаро кредит рейтингларини тузишда фойдаланилувчи қимматбаҳо қоғозларнинг ишончлилиги классификацияси

Рейтинг белгилари		Рейтинг интерпритацияси
Standart Poors	Moodys	

AAA	Aaa	Ўта юқори ишончлилик. Фоизлар ва қарзнинг асосий суммасининг тўланиш эҳтимоли ўта юқори
AA+ AA AA	Aa1 Aa2 Aa3	Юқори ишончлилик. Фоизлар ва қарзнинг асосий суммасининг тўланиш эҳтимоли юқори
A+ A A-	A1 A2 A3	Ишончлилик ўртадан юқори. Эмитентнинг қарзни ва фоизларни тўлаш имкониятлари юқори, аммо иқтисодиётни ички барқарорлигига боғлиқ
BBB+ BBB BBB-	Baa1 Baa2 Baa3	Ишончлилик етарли даражада. Эмитентнинг қарз ва фоизларни тўлаш имкониятлари тўлов вақтидаги иқтисодиётнинг ички барқарорлигига боғлиқ
BB+ BB BB-	Ba1 Ba2 Ba3	Шароитни ишончли деб ҳисобласа ҳам бўлади, аммо ички иқтисодий ҳолатнинг бекарорлиги туфайли доимо тўламаслик хавфи мавжуд
B+ B B-	B1 B2 B3	Тўламаслик хавфи юқори. Эмитентнинг тўлов қобилияти чекланган, аммо жорий вақтдаги мажбуриятларга мос келади
CCC+ CCC CCC-	Ca	Тўланиши эҳтимоли кам ёки тўланмайдиган мажбуриятлар. Эмитентнинг тўлов қобилиятига мамлакатнинг ички иқтисодий бекарорлиги билан путур етказилган
C	Ca	Умуман тўланмайдиган мажбуриятлар (тўловларни муддатини ўзайтириш ёки тўламаслик). Эмитент банкрот ёки зарар кўрмоқда

Хорижий инвесторлар рейтингдаги маълумотлардан вақтни тежаш мақсадида кенг фойдаланадилар. Мамлакатнинг рейтинги юқори ёки пастлиги албатта аҳамият касб этади. Лекин шу рейтингга киришнинг ўзи ҳам инвесторларда ушбу мамлакатга нисбатан у ёки бу даражада ишонч уйғотади.¹⁵

Инвестиция муҳитини баҳолаш бўйича Умумжаҳон банки ёндашуви. Умумжаҳон банкининг 2005 йилда чоп этилган «Ҳамма учун инвестиция муҳитини қандай шакллантириш мумкин»¹⁶ мавзуидаги жаҳон

¹⁵Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2007. - 232 б.

¹⁶ Доклад о мировом развитии. 2005. Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех / Пер. с англ. - М.: 2005. -С. 252-254.

иқтисодиётининг ривожланиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботида инвестиция муҳитини баҳолаш бўйича банк ёндашувининг асосий мазмуни келтирилган.

Юқорида кўриб чиқилган усуллар сингари ушбу ёндашувда ҳам мутахассислар томонидан бериладиган баллар йиқиндисидан фойдаланилади. Умумжаҳон банки ёндашувига кўра мамлакат инвестиция муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат, деб ҳисобланади:

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий-меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги;
- коррупция даражаси;
- суд тизимининг сифати;
- жиноятчилик даражаси;
- «солиқ юки» ва солиққа тортиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;
- электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;
- ишчилар малака даражаси ва меҳнат қонунчилигининг сифати.

Ушбу ёндашув инвестицион жозибадорликни таъминлашнинг институционал омилларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жаҳон банки томонидан таҳлил этиладиган инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар инвестиция rischi билан боғлиқ. Ушбу услубиятга мувофиқ мамлакатнинг инвестиция имкониятлари эътиборга олинмайди.

Россия иқтисодий ҳудудларининг инвестиция жозибадорлигини баҳолашда қўлланиладиган «Эксперт» ҳафтаномаси услубияти.

Ушбу услубиятга мувофиқ инвестиция муҳитига таъсир қилувчи инвестиция riskларининг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади¹⁷:

- ҳуқуқий (инвестициялашнинг ҳуқуқий шартларини, алоҳида ишлаб чиқариш омиллари таркибини акс эттиради);
- сиёсий (сиёсий барқарорлик даражасини ҳисобга олади);

¹⁷ Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт, 2004. -№ 45.

- ижтимоий (ижтимоий ҳолат даражаси ҳисобга олинади);
- ноқонуний (минтақада жиноятчилик даражасини ҳисобга олади);
- молиявий (ҳудудий бюджет ва корхоналар молиясининг мувофиқлашганлик даражасини акс эттиради);
- иқтисодий (минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олади);
- экологик (атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини ҳисобга олади).

Россияда ўтказилган рейтинглар натижасига кўра мамлакатдаги инвестиция муҳитининг яхшиланиши устун даражада инвестиция соҳасидаги қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Ўзбекистонда халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматбаҳо коғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги ташкил этилган. Ушбу агентлик томонидан 2008 йил мобайнида 21 та тижорат банкига турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди.

III-БОБ. Ўзбекистон саноат тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни самарали бошқариш механизмлари

3.1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш механизмлари

Иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йўналтириладиган маблағларнинг етишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки, қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкин.

Халқаро капитал ҳаракатнинг иқтисодий самарасини кўрсатиш учун, капитал қўйилмалардан олинadиган фойда турли мамлакатларда турлича деган тасаввурдан келиб чиқиш зарур. Жаҳонда икки мамлакат мавжуд деб ҳисоблайлик. *I* мамлакат *AK* миқдорда, *II* мамлакат *AK'* миқдорда капиталга эга.

Иккала мамлакатнинг умумий капитали *KK'*га тенг. S_1 ва S_2 тўғри чизиқлар *I* ва *II* мамлакатларда қўйилган капитал ҳажмига боғлиқ равишда ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишини акс эттиради. Агар халқаро капитал ҳаракати мавжуд эмас деб фараз қилинса *I* ва *II* мамлакатлар ўз капитал маблағларни мамлакат ичкарасида сарфлаб даромад олади (*I* мамлакат *KC* ҳажмида, *II* мамлакат *K'D* ҳажмда). *I* мамлакатнинг ўз капитали ёрдамида ишлаб чиқариш ҳажми $a+b+c+d+e+f$ сегментларининг йиғиндисига тенг бўлиб, Булардан капитал эгаларининг фойдаси $a+f$ га тенг бўлади, қолгани эса ер ва меҳнат каби бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг фойдасидир. *II* мамлакатнинг ишлаб чиқариш ҳажми $i+j+k$ га тенг бўлиб, бундан капитал эгаларининг фойдаси $j+k$, қолгани эса бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг фойдасидир. $KC < K'D$ эканлиги *I* мамлакатда капитал қўйишдан олинadиган фойда *II* мамлакатникидан кам эканлигини англатади.

Агар иккала мамлакат капиталнинг халқаро ҳаракатини таққиловчи чекловларни олиб ташласа I мамлакатдаги капиталнинг бир қисми (AB) II мамлакатга кўчади, чунки инвестициялардан келадиган фойда иккала мамлакатда турличадир. Шундан сўнг инвестициялардан келадиган фойда BR даражасида баланслашади. Бунинг натижасида I мамлакатнинг ўз капитали ёрдамидаги ишлаб чиқариш ҳажми $a+b+c+d+e+f+h$ сегментларининг йиғиндисига тенг бўлиб, $a+b+c+d$ маҳсулотлар ички инвестициялар ҳисобига, $h+e+f$ - II мамлакатга қилинган хорижий инвестициялар ҳисобига олингандир. Капитални бир қисмини II мамлакатга инвестициялаш ҳисобига ялпи ишлаб чиқариш (ялпи капитал ҳажми ўзгармаган ҳолда) маълум бир ҳажмга (h сегмент ҳажмига) ўсади. Бунда капиталдан олинган даромад ҳам KC дан KE даражагача ошади. Капитал эгаларининг даромади $a+b+d+e+f+h$ ҳажмгача ўсиб, бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромади C сегмент ҳажмида бўлади, холос.

Бошқа томондан, капитални I мамлакатдан II мамлакатга оқиб келиши унда капиталдан олинadиган фойдани $K'D$ ҳажмидан $K'F$ ҳажмгача қисқаришига олиб келади. Шу вақтнинг ўзида I мамлакатдан жалб қилинган ва ўзининг ички капиталини ишлатиш натижасида II мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми $i+j+k$ дан $i+j+k+g+h+e+f$ гача кенгаяди. Албатта, $h+e+f$ сегментлар хорижий капитал ҳисобига ишлаб чиқарилган бўлиб, охир натижада I мамлакат инвесторларига фойда тариқасида берилиш зарур. Шундай қилиб II мамлакатда ички ишлаб чиқаришнинг соф ўсиши g сегментга тенг бўлади. II мамлакатда капитал қўйилишидан олинadиган фойда пасайиши натижасида капитал эгаларининг даромади $j+k$ ҳажмдан k ҳажмгача қисқаради, бошқа ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромади эса i дан $i+g+j$ ҳажмгача ўсади.

Жаҳон хўжалиги миқёсида қаралганда капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга оқиб ўтиш натижасида ялпи ишлаб чиқариш ҳажми

$[a+b+c+d+e+f]+[k+j+i]$ дан $[a+b+c+d]+[e+f+g+h+i+j+k]$ ҳажмгача, яъни $g+h$ ҳажмгача ўсади. Бунда h I мамлакатнинг капиталини II мамлакатга инвестициялаб самаралироқ фойдаланиш натижасида юзага келади, g эса II мамлакатга тегишли бўлиб, шу мамлакатда инвестицияланадиган капитал ҳажмини ўсганлиги натижасида вужудга келади.

Шундай қилиб, капиталнинг халқаро ҳаракати (товарларнинг халқаро ҳаракати каби) ишлаб чиқариш омилларини самаралироқ қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш эвазига ялпи умумжаҳон ишлаб чиқаришини ўсишига олиб келади. Бунда, капитални экспорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромади ўсади ва бошқа омиллар (айниқса меҳнат ва ер) эгалари даромади эса қисқаради. Капитални импорт қилувчи мамлакатдаги капитал эгаларининг даромадлари қисқаради ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари эгаларининг даромадлари эса ўсади.

Мамлакатларнинг ХКМ жараёнларида қатнашиши бир қатор кўрсаткичлар орқали намоён бўлади. Буларга капитал экспорти (импорти) ҳажми, капитал экспорти-импорти сальдоси, мамлакатдаги хорижий капиталли корхоналар сони, уларда бандлар сони ва бошқалар киради. Сальдодан келиб чиқиб, жаҳон хўжалиги мамлакатларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- капитални экспорт қилувчи мамлакатлар (Япония, Швейцария);
- капитални импорт қилувчи мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия);
- тахминий мувозанатдаги мамлакатлар (Германия, Франция).

Бошқа гуруҳ кўрсаткичлар эса капитални экспорт-импорт қилиш даражасига боғлиқ ҳолда мамлакатларнинг ХКМдаги тақсимланишини акс эттиради. Улар қуйидагилардир:

1) Капитал импорти коэффиценти (K_{ik}) – хорижий капитал (ХК)нинг мамлакат ЯИМдаги улушини акс эттиради:

$$K_{ik} = \text{ХК} : \text{YIM} * 100 \%,$$

Европа мамлакатларида энг юқори кўрсаткич Белгия ва Люксембургда.

2) Капитал экспорти коэффиценти (K_{ek}) – экспорт қилинадиган капитални (ЭК) мамлакат ЯИМга нисбатини акс эттиради:

$$K_{ek} = EK:YIM*100 \%,$$

Европа мамлакатларида максимал кўрсаткич Нидерландияга тегишли.

3) Мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий капитални улушини акс эттирувчи кўрсаткич:

$$K_{ex} = XK:D(K)*100 \%,$$

бу ерда,

K_{ex} – эҳтиёж коэффиценти,

XK – хорижий капитал,

$D(K)$ – мамлакатда капиталга бўлган талаб. АҚШнинг капиталга бўлган ички эҳтиёжларининг 33% хорижий капитал ҳисобига қондирилади.

4) Бошқа нисбий кўрсаткичлар – миллий ишлаб чиқаришда хорижий ёки аралаш компанияларнинг улуши, ўтган даврга нисбатан капитал экспорти (импорти)ни ўсиш суръатлари, мамлакат аҳолисининг ҳар бирига тўғри келадиган хорижий инвестициялар суммаси ва бошқалар¹⁸.

Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари

Иқтисодий самарадорлик – инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий прогресснинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

¹⁸ Имомов Х.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2007. -232 б.

Иқтисодий самара – қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

Иқтисодий самара қуйидагича ҳисобланади;

$$\mathcal{E} = \mathcal{D} - \mathcal{K}$$

бу ерда,

$\mathcal{E}$ – иқтисодий самара,

$\mathcal{D}$ – қўйилган капиталдан даромад,

$\mathcal{K}$ – қўйилган капитал суммаси.

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \mathcal{IF} : \mathcal{K}$$

бу ерда,

$\mathcal{E}$ – иқтисодий самарадорлик,

$\mathcal{IF}$ – инвестициядан фойда,

$\mathcal{K}$ – қўйилган капитал.

Мамалакат иқтисоди миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакт миқёсида қўйилган инвестиция миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \mathcal{YMM} : \mathcal{K}$$

бу ерда,

$\mathcal{YMM}$ – ялпи миллий даромад,

$\mathcal{K}$ – $\mathcal{YMM}$ ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт ўтиши билан капитал қайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини кўрсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг нормативлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу халқ хўжалиги ёки тармоқларда қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{ЯИН} = \text{ЯИС} : \text{ЯММ} * 100$$

бу ерда,

ЯИН – ялпи инвестиция нормаси,

ЯИС – ялпи инвестиция суммаси,

ЯММ – ялпи миллий даромад.

Иқтисодий самарадорлик – инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий прогресснинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара – қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

Иқтисодий самара қуйидагича ҳисобланади;

$$\mathcal{E} = \mathcal{D} - \mathcal{K}$$

бу ерда,

$\mathcal{E}$ – иқтисодий самара,

$\mathcal{D}$ – қўйилган капиталдан даромад,

$\mathcal{K}$ – қўйилган капитал суммаси.

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \mathcal{IF} : \mathcal{K}$$

бу ерда,

$\mathcal{E}$ – иқтисодий самарадорлик,

$\mathcal{IF}$ – инвестициядан фойда,

$\mathcal{K}$ – қўйилган капитал.

Мамалакат иқтисоди миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакт миқёсида қўйилган инвестиция миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \mathcal{YMM} : \mathcal{K}$$

бу ерда,

$\mathcal{YMM}$ – ялпи миллий даромад,

$\mathcal{K}$ – $\mathcal{YMM}$ ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт ўтиши билан капитал қайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини кўрсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача

давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг нормативлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу халқ хўжалиги ёки тармоқларда қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{ЯИН} = \text{ЯИС} : \text{ЯММ} * 100$$

бу ерда,

ЯИН – ялпи инвестиция нормаси,

ЯИС – ялпи инвестиция суммаси,

ЯММ – ялпи миллий даромад.

3.2. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этишда Навоий эркин иқтисодий зонасининг табиий-иқтисодий омиллари

Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга тобора чуқур интеграциялашиб бориши нафақат ички бозорда, айтили вақтда хорижда ҳам айтилиқса, 300 миллион аҳолига эга бўлган, Ўзбекистон билан эркин савдо ҳудуди ўрнатилган МДХ давлатларида ҳам харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни рағбатлантиради.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, инновацион технологияларни жорий қилишни ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган товарлар турларини ўзлаштиришни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мамлакатимизда биринчи мартаба Навоий вилояти ҳудудида алоҳида маъмурий марказга эга бўлган “Навоий” ЭИИЗсини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда юртимизнинг йирик минтақавий бозорлар: Жануби-Шарқий Осиё, Марказий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва МДХ мамлакатларининг қулай савдо йўналишларининг

кесишиш нуқтасида жойлашгани ҳал қилувчи омил ролини ўйнади. Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро транспорт логистика марказини яратиш учун қулай шароитларнинг мавжудлиги бу ерда янги рақобатдош маҳсулотларни тайёрлаш ва уларни Европа ва Осиёдаги охириги истеъмолчиларга тўхтовсиз етказиб бериш заруратини кун тартибига қўйди.

Ўзбекистон Республикасида биринчи эркин иқтисодий зонанинг Навоий вилоятида ташкил этилишига қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

1. Навоий шаҳрининг индустриал характерга эга эканлиги, яъни шаҳар кимё, энергетика, тоғ-металлургия, цемент саноатининг йирик корхоналари атрофида шаклланидир. Вилоят иқтисодиётининг асосини Навоий тоғ-металлургия комбинати, “Навоийазот” ОАЖ, “Электрокимёзадов” ҚҚ, “Қизилқумцемент” АЖ, Навоий ИЭС каби корхоналар ташкил этади. Навоий вилояти Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари билан биргаликда республиканинг бта йирик саноат ишлаб чиқарадиган ҳудуди сирасига киради. Ҳозирги кунда мамлакатимиз саноат ишлаб чиқаришида вилоятнинг улуши қарийб 10 фоизни ташкил этади.

Навоий вилоятининг саноат корхоналари ҳозирги кунда 50дан ортиқ турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Жумладан, аммиак селитраси (юртимизда ишлаб чиқарилаётган аммиакнинг 70 фоизи), нитрон тўқималари (100 фоизи), олтингугурт кислотаси (25,4 фоизи), кимёвий воситалар (4,1 фоизи), оммон сульфати (1 фоизи), цемент (50 фоизи), темир бетон маҳсулотлар (4,2 фоизи), пахта толаси (3,5 фоизи), пойафзал маҳсулотлари (1 фоизи) ва кийим-кечак (0,5 фоизи), заргарлик маҳсулотлари (5 фоизи), биноларни жиҳозлаш материаллари (6 фоизи), озиқ-овқат маҳсулот турларидан нон-булочка маҳсулотлари (2,4 фоизи), гўшт ва гўшт маҳсулотлари (2,5 фоизи), кондитерлик маҳсулотлари (1,3 фоизи), пиво (2,6 фоизи) ва бошқа маҳсулотлар айнан шу вилоятда ишлаб чиқарилмоқда.

2. Навоий шахрининг транзит ва транспорт-логистика салоҳияти.

Навоий шахридан 3,5 километр узоқликда Навоий халқаро аэропорти жойлашган бўлиб, унинг хизматларидан «Кореан Эйр» ва «Московия» (Россия) каби халқаро юк ташувчи компаниялар фойдаланади. Ҳозирги кунда ушбу аэропорт базасида халқаро интермодал логистика маркази фаолият юритмоқда. Навоий халқаро аэропорти Ўзбекистон Республикасининг географик марказида жойлашгани боис ташқи савдо юк ташувларини оптималлаштириш ва юкларга қайта ишлов бериш, ташқи савдонинг транспорт харажатларини камайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Халқаро юклар транзитининг деярли ярми Навоий шахридан 4 километр узоқликда жойлашган темир йўл магистрали орқали амалга оширилади. Навоий орқали Жанубий Эрон ва Туркиянинг портларига, шунингдек, Ғарб ва Шимол томондан Қора ва Болтиқ денгизлари портларига чиқадиган барча асосий темир йўл трассалари ўтган. Хитойдан Европагача бўлган энг қисқа темир йўл маршрути ҳам Навоий орқали ўтган. «Тошгўзар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлини ишга тушириш орқали Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга чиқадиган энг қисқа транзит алоқани ўрнатиш мумкин.

ЭИЗнинг бевосита «Е-40» автомобиль магистралига яқинлиги энг қисқа йўл билан Европа ва Хитойга қўшилиш имконини беради, шунингдек, бу ердан ўтадиган темир йўллар орқали Марказий Осиё, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази бозорларига кириш имконини беради.

Хитой – Европа йўналишида Навоий халқаро логистика марказидан унчалик узоқ бўлмаган масофада ўтган Е-40 автомобил магистрали орқали юк ташувлари Хитой – Россия чегараси орқали ўтадиган йўналишга нисбатан 1000 километрга яқин. Бу транспорт харажатларини ҳар бир автомобиль ҳисобидан 800 долларга қисқартиради.

3. Навоий вилоятининг истиқболли географик жойлашуви. Вилоят республика ҳудудининг 25 фоизини ташкил этади. Навоий ва у билан қўшни бўлган Бухоро, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятлари Ўзбекистоннинг

жадал ривожланаётган ҳудудларидан ҳисобланади. Ушбу вилоятлар жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми ва прогноз кўрсаткичлари бўйича мамлакатимизда етакчи ўринларни эгаллайди. Навоий ва ундан 150 километр узоқликда жойлашган Самарқанд ва 110 километр узоқликда жойлашган Бухоро вилоятлари халқаро бизнес ва туризмнинг ҳудудий марказлари сифатида юқори салоҳиятга эга.

4. Навоий ва унга чегарадош вилоятларда бой минерал-хомашё базасининг мавжудлиги. Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари йирик минерал ресурс захираларига эга бўлиб, улар қурилишда ишлатиладиган мрамор, гранит, оҳактош, бўр ва бошқа хомашёлар (Самарқанд вилояти); табиий газ, графит, безак тошлари, оҳактош, силикат, бетон ва ғишт ишлаб чиқариш учун керак бўладиган қум конлари (Бухоро вилояти); нефть, табиий газ конлари, қора ва рангли металлургия учун зарур бўлган рудали ва рудасиз қазилма конлари, чинни ва керамика хомашёси, бентонит тупроғи ва глауконит захиралар ва бошқалардир.

Олтин, вольфрам, мис, қўрғошин ва рух, алюминий, сурьма, тошкўмир, ёнувчан сланец ва олтингугуртнинг истиқболли рудалари кўринишидаги захиралар ҳам разведка қилинган (Қашқадарё вилояти).

Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё ресурсларининг асосий захираси қизилқум минтақасида жойлашган. Марказий қизилқум ҳудудида каолиннинг 50дан ортиқ тури борлиги аниқланган бўлиб, унинг захираси 240,8 минг тоннани ташкил этади. Лангар фойдали қазилма конлари ёнувчи сланец, доломит, оҳактош, дала штати каби фойдали қазилма бойликларга бой бўлиб, захираси 9,2 миллион тоннани ташкил этади.

Навоий вилояти ҳудудида кенг кўламли разведка-қидирув ишлари олиб борилиши натижасида Лавлякан (Конимех тумани) ва Тўзқудуқ (Учқудуқ тумани) каби йирик туз конлари борлиги аниқланди. Вилоят ҳудуди қурилиш материалларига (Ўзғон ва Нурота мрамори, Лангар ва Қорасой гранити ва

габроси, Азлартол ва Қорасой гранит тошлари, волостонит ва бошқалар) ҳам бойдир.

5. Малакали кадрлар ва интеллектуал салоҳият, аҳолининг юз фоизли саводхонлиги, нисбатан арзон ишчи кучи, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган таълим тизими. Ўзбекистоннинг тарихан шаклланган юқори илмий мактаби, академик ва илмий-текшириш институтларининг кенг тармоғи инновацион ишланмаларнинг ривожини рағбатлантиради. Мамлакатимизда ҳар йили хорижий ва маҳаллий ихтирочилар иштирокида инновацион технологиялар ярмаркалари ўтказиб турилади.

Навоий эркин саноат-иқтисодий ҳудудида келажак технологиялари, янги ресурс ва энергияни тежайдиган технологияларни жалб қилиш йўли билан кейинги 20-30 йил ичида долзарб бўлиб қоладиган экологик тоза, замонавий, диверсификацияланган саноат базасини яратиш имконияти мавжуд.

Ҳақиқатдан ҳам, эркин индустриал-иқтисодий зонада ишлайдиган инвесторлар учун етарли инновацион лойиҳалар мавжуд. Бугунги кунда мамлакатимиз илм-фани саноатдаги технологик жараёнлар, қурилма ва материаллар, био ва нанотехнологиялар, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот, тиббиёт ва тиббий техника, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этишга тайёр бўлган ўнлаб ишланмаларни таклиф қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда исталган замонавий ва мураккаб технологияларни эгаллаш ва жорий этиш мумкинлигининг тасдиғидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тажрибасига таяниб, ҳукуратимиз томонидан янги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш амалиёти изчил давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудидаги иккинчи эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен» махсус индустриал зонаси(МИЗ)ни

барпо этиш тўғрисида»ги 2012 йил 13 апрелдаги ПФ–4436-сон Фармонига биноан Тошкент вилоятида ташкил этилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, «Ангрен» махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди».

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларини Фарғона водийси вилоятлари билан боғлайдиган транспорт йўлакларидан бири айнан Қамчиқ давони орқали, яъни Ангрен шаҳри ҳудудидан ўтади. Бу вазифани «Ангрен» логистика маркази бажармоқда. Юklar, аввало, логистика марказида йиғилади ва у ердан оғир юк ташувчи автомобилларга юкланиб, водий вилоятларига жўнатилмоқда. Ўтган йили 2,6 миллион тонна юк ташилгани ушбу ҳудуднинг аҳамиятини кўрсатади.

Умуман, Ўзбекистонда ташкил этилган иқтисодий зона тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилади. Бу, айниқса, Ангрен шаҳрини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

«Ангрен» МИЗсининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. «Ангрен» МИЗси фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади.

«Ангрен» МИЗсида қатнашадиган инвесторлар, корхоналар қуйидаги имтиёзлардан фойдаланади:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ

тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

- «Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилди.

Ҳозирги кунда «Ангрен» МИЗси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводида қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган мажмуани барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хорижий инвестицияларни жалб этиш

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфининг, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва

таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулотлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Кейинги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан раванқ топиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиётининг кескин авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Натижада 2013 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхонлари ва микрофирмалар сони 26 мингтага ўсиб, 2014 йилнинг 1 январь


ҳолатига кўра 190 мингтага (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 55,8 фоизни ташкил қилди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил олиб борилаётган, пухта ўйланган, самарали иқтисодий сиёсат пировардида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратди. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2013 йилда иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашига асос бўлди.

Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда йирик корхоналарнинг ички бўлинмалари бажарган аввалги кўп функциялардан воз кечиш ва бу функцияларни кичик корхоналарга бериш жараёни кузатилмоқда. Айнан шу сабабларга кўра, йирик саноат корхоналари сони қисқариб, кичик корхоналар сони ўсиб бормоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозир жавоб тарзда ўсиши, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминлайди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар корхоналари билан рақобатдошлик даражаси ортишига имкон берадиган энг муҳим омиллардан бири кичик корхоналарнинг бутун бир тармоғини вужудга келтиришга имкон берадиган қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиб, бундай корхоналар йиғиндиси рақобатли бозор муҳитини яратишга имкон беради.

Демак, мамлакатимиз минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини англаб, айти шу асосда иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин.

Шундай экан, минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.



3- расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши

Аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча хўжалик субъектларининг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга бўлган кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялпи ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиғи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар, тизимли равишда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Яратилаётган янги иш ўринларининг катта қисми ҳам айнан шу соҳага тўғри келмоқда. Биргина кичик бизнес субъектлари учун ўтган 2012 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳажми **5 триллион 346**

миллиард сўмни ёки 2011 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этди, шу жумладан:

- **48,5 миллиард сўм** – касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш ҳамда олинган замонавий билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этиш учун;

- **80,1 миллиард сўм** – ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун;

- **618 миллиард сўм** – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун;

- **491,7 миллиард сўм** – аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун¹⁹.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 2012 йили 618,1 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 33,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли ва рақобатдош товарлар билан тўлдириш, замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, жаҳон бозори талабларига мос, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг, шу асосда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес учун янги имтиёзлар яратиш

¹⁹ Эрназаров У.Т. Тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2013 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган семинари учун тақдимот материаллари.

мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, сўнгги йилларда бир қатор қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Ўтган йили соҳада рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилингани, молиявий ҳисобот топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилгани давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви тубдан қисқарганининг амалий ифодасидир. Бу каби имтиёзлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, 1 январдан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шакли бекор қилингани эътиборга молик.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари ҳам сезиларли даражада соддалаштирилди. Гап шундаки, айни пайтда бизнесни рўйхатга олиш жараёни «бир дарча» тамойили асосида атиги икки кун ичида амалга оширилмоқда, бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мос келади²⁰.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга асосан, иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги ҳалқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференция ва кафолатлар берилди. Бунинг натижасида қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган

²⁰ Эрназаров У. Тадбиркорлик равнақи ва ҳуқуқий асос // Халқ сўзи, 2013 йил 20февраль, 35-сон.

ярим йил мобайнида мамлакатимизда 600 дан ортиқ шундай корхона ташкил этилди.

2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 269,6 миллиард сўм ҳажмида, яъни 2012 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий бизнес, хусусий тарбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 110,1 миллиард сўмлик кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қорамоллар сотиб олиш учун 106 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Коллеж ва лицейларнинг 15 минг нафардан ортиқ битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиши учун жами 53,5 миллиард сўмлик кредитларга эга бўлади.

ХУЛОСА

Хорижий инвестицияларни жалб қилишдан мақсад – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир. Хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланиш гарови бўлиб, улар иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири ҳисобланади. Президент И.А.Каримов айтганидек «...кеча фақат хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Ўзбекистон бугун дунё харитасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга, бошқа тараққий топган мамлакатлар авваломбор, АҚШ, Ғарбдаги демократик давлатлар, шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бунда биринчи галдаги чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Ушбу давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар бу хорижий мамлакатларга сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кўтарила олмас эди».

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга оширилиб мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилган, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг 47

фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этган.

Инвестицияларнинг 70 фоизи ишлаб чиқариш объектларини қуришга, 40 фоизи энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган. Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида қулай географик жойлашиши, табиий ресурсларининг салмоқли таркиби ва захираси, давлат томонидан борилаётган самарали иқтисодий сиёсати каби инвестицияларни жалб этиш учун қулай омиллар шаклланган.

2013 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3 миллиард доллардан ортиқ ўзлаштирилди. Жумладан, 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этишда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма, асосан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл коммуникацияси соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборат.²¹ Жамғарма ўз фаолияти давомида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга молия институти бўлиб шаклланди. Жумладан, 86 стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорликда 29 миллиард доллардан зиёд маблағ билан иштирок этди. Инвестиция дастури доирасида 2013 йилда ишлаб чиқариш йўналишида умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллар ҳажмида 150 та

²¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

лойиха тўлиқ амалга оширилди. Жумладан, ушбу лойиҳалар доирасида қуйидаги ишлар бажарилди:

1. Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали техннология жорий этилди.
2. Жанубий Ўртабулоқ – Муборак газни қайта ишлаш заводида газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конлари тўлиқ жиҳозланди.
3. «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электрстанциясининг 1-5-энергия блоклари кўмир билан ишлашга ўтказилди.
4. «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудуди «Оҳангарон» подстанцияси реконструкция қилинди.
5. «Бекобод цемент» очиқ акциядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан цемент ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилинди.
6. «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасида металл қуйиш реконструкция қилинди.
7. Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари ташкил этилди.
8. Жиззах ва Хоразм вилоятларида йигирув ва тўқув ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.
9. Самарқанд вилоятдида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.
10. Озиқ-овқат саноати бўйича 21 та корхонанинг ишлаб чиқариши модернизация қилинди ва техник қайта жиҳозланди.

Мамлакатимизга инвестицияларни жалб этишдан асосий мақсад, жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, аҳолини бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш, республикаimizдаги шаҳар ва туманларида энг муҳим ижтимоий

муаммоларни ечиш демакдир. Жумладан, инвестициялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқларида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга эришишдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни. – Т.: Адолат, 2004.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.
6. «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 11.04.2005й. ПФ-3594-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-927-сонли Қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 205- сонли Қарори, 02.05.2003 й

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сон Қарорига 2-илова ««Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисида Низом».

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ««Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 23.04.2009 й. 120-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

36. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

37. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

38. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади. –Т., Ўзбекистон, 2012.

39. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

40. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014.

5.Асосий адабиётлар

41. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. I, II часть. –Т.: Университет, 2006.

42. Жалолов Ж.Ж. ва бошқалар. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2010.

43. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2007.

44. Игошин Н.В. Инвестиции, организация, управление, финансирование. Учебник / -3-е изд.-М.: ЮНИТИ:ДАНА, 2005.

45. Каримов Н. Инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари / Иқтисодиёт ва таълим. 2011 й., 5-сон.

46. Касимов Ю.Ф. Финансы и инвестиции. -М.:Анkil, 2008.

47. ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2010.

48. Ходиев Б.Ю. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари / «Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилidir» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тезислари. – Т.: ТДИУ, 2006. -9-11-б.

49. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги – «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: О'qituvchi, 2013.

50. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

51. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.

52. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.